



CURRENT ISSUES IN IMPROVING LEGISLATION ON PARTICIPATION IN CRIME

Kuvvatov Sirojiddin Ergashevich

Independent Researcher, University of Public

Security of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14293273>

ARTICLE INFO

Received: 01st December 2024

Accepted: 06th December 2024

Online: 07th December 2024

KEYWORDS

Participation in crime, perpetrator, organizer, instigator, accomplice, legislation, criminal liability, social danger, legal qualification, criminal result, law enforcement, criminal code, legal analysis, fair punishment, prevention.

ABSTRACT

This article provides an in-depth analysis of the theoretical and practical aspects of the concept of participation in crime. It examines the primary roles of participants in a crime—perpetrator, organizer, instigator, and accomplice—as well as their interaction in criminal activities. Additionally, the article addresses pressing issues regarding the improvement of the concept of participation in the norms of the criminal code. The results of this research serve as a scientific and practical basis for law enforcement agencies in determining criminal liability. Special attention is given to the importance of proper legal qualification of participants' actions in the commission of crimes. The article proposes new legal concepts and initiatives aimed at enhancing the effectiveness of crime prevention.

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ОБ УЧАСТИИ В ПРЕСТУПЛЕНИИ

Кувватов Сирожиддин Эргашевич

Независимый исследователь Университета
общественной безопасности Республики Узбекистан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14293273>

ARTICLE INFO

Received: 01st December 2024

Accepted: 06th December 2024

Online: 07th December 2024

KEYWORDS

Соучастие в преступлении, исполнитель, организатор, подстрекатель, пособник, законодательство, уголовная ответственность, общественная опасность, правовая квалификация, преступный результат,

ABSTRACT

В данной статье проводится глубокий анализ теоретических и практических аспектов понятия соучастия в преступлении. Рассматриваются основные роли участников преступления – исполнителя, организатора, подстрекателя и пособника, а также их взаимодействие в преступной деятельности. Кроме того, исследуются актуальные проблемы совершенствования понятия соучастия в нормах уголовного кодекса. Результаты данного исследования служат научно-практической основой для правоохранительных органов в установлении уголовной ответственности. Особое



правоохранительные органы, уголовный кодекс, правовой анализ, справедливое наказание, профилактика.

внимание уделяется значимости правильной правовой квалификации действий участников при совершении преступлений. В статье предлагаются новые правовые концепции и инициативы, направленные на повышение эффективности борьбы с преступностью.

ИШТИРОКЧИЛИК ТЎҒРИСИДА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Қувватов Сирожиддин Эргашевич

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги

университети мустақил изланувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14293273>

ARTICLE INFO

Received: 01st December 2024

Accepted: 06th December 2024

Online: 07th December 2024

KEYWORDS

Жиноятда иштирокчилик, бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи, қонунчилик, жиноий жавобгарлик, ижтимоий хавф, ҳуқуқий квалификация, жиноий оқибат, ҳуқуқни муҳофаза, жиноят кодекси, ҳуқуқий таҳлил, адолатли жазо, профилактика.

ABSTRACT

Мазкур мақолада жиноятда иштирокчилик тушунчасининг назарий ва амалий жиҳатлари чуқур таҳлил қилинади. Жиноятда иштирокчиларнинг асосий вазифалари – бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчининг роли ҳамда уларнинг жиноий фаолиятдаги алоқаси ёритилган. Шунингдек, жиноят кодекси нормаларида иштирокчилик тушунчасини такомиллаштириш бўйича долзарб муаммолар қўриб чиқилган. Ушбу тадқиқот натижалари жиноий жавобгарликни аниқлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга илмий-амалий асос бўлиб хизмат қиласди. Муаллифлар томонидан жиноят содир этишда иштирокчиларнинг ҳаракатларини қонуний квалификациялашнинг аҳамияти алоҳида таъкидланган. Мақолада жиноятчиликка қарши қураш самарадорлигини ошириш мақсадида янги ҳуқуқий концепциялар ва ташаббуслар тақлиф қилинган.

Жиноят ҳуқуқида жиноятда иштирокчилик тушунчаси ўта муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган категориялардан биридир. Ушбу тушунча, кўп ҳолларда, фуқароларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини белгилашда муҳим ўрин тутади. Мазкур тушунчани тўғри англаш жиноят қонуни нормаларини изчил қўллашда, айбор шахсларга адолатли жазо тайинлашда ҳамда жиноий жавобгарликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.



М.Х.Рустамбаев жиноятда иштирокчиликнинг асосий моҳиятини қисқа ва аниқ қилиб белгилаб, унинг "қасддан жиноят содир этиш" шартлигини алоҳида таъкидлайди[1]. Бу фикр жиноят хуқуқининг амалдаги нормалари билан мос келади.

М.Усмоналиевнинг таърифи эса, жиноятда иштирок этишнинг қонуний асосларини аниқ ва батафсил ёритади. Унинг фикрича, жиноятда иштирок этиш учун камида икки киши бўлиши ва уларнинг ҳаракатлари жиноятни амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим[2]. Бу таъриф жиноятда иштирок этишнинг турларини янада кенгроқ тушуниш имконини беради.

С.С.Ниёзованинг таърифи жиноятда иштирокчиларнинг ижтимоий хавфли оқибатни англаған ҳолда биргалиқда ҳаракат қилишларига ургу беради[3]. Бу эса, жиноятни содир этиш жараённида қасдлилик ва келишув элементларини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Юқоридаги таърифларни умумлаштирган ҳолда, уларнинг ҳар бири жиноятда иштирокчилик тушунчасининг турли жиҳатларини акс эттирганлигини кўриш мумкин. Ушбу фикрлар жиноятда иштирок этиш тушунчасини хуқуқий ва амалий жиҳатдан чуқурроқ таҳлил қилиш учун мустаҳкам асос яратади. Улар жиноят кодекси нормаларига таянилган ҳолда таъриф берилганлиги сабабли, уларнинг илмий ва амалий қиймати юқори. Шунингдек, мазкур муаллифларнинг таҳлиллари жиноятда иштирокчиликни тушунишни янада такомиллаштириш учун янги илмий изланишлар учун асос бўлиши мумкин.

Умуман олганда, мазкур таърифлар жиноят хуқуқи соҳасидаги назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Жиноятда иштирокчиликни тушуниш хуқуқий муносабатларниadolатли ва қонуний ҳал этишда асосий ўрин тутади.

С.В.Афиногеневнинг фикрича, "Қонуннинг иштирокчилик - қасддан биргалашиб содир этилган жиноят деб белгилаб бериши, иштирокчиликда содир этилган жиноятларни ҳам қасддан бўлиши тўғрисидаги ҳаволани кераксиз қилиб қўяди"[4]. Юқоридаги фикрдан холоса қилиш мумкинки, эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятларда иштирокчилик бўлиши мумкин эмас.

Лекин, сўнгги йилларда баъзи манбаларда иштирокчилик асосида эҳтиётсизликдан ҳам жиноят содир этилиши қайд қилинмоқда. Хусусан, Н.Мухторов "...жиноят хуқуқи фанидаги жиноий жавобгарлик таълимотида айбнинг эҳтиётсизлик шаклида икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан жиноят содир этилиши ҳолларига йўл қўйилади..." [5] деб ёзади. Афсуски, муаллифнинг ушбу фикрига қўшилиш қийин. Чунки мазкур фикр амалдаги жиноят қонуни нормаларига бутунлай зид. Бизнинг фикримизча, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар фақат қасддан содир этилади. Эҳтиётсизлик натижасида содир этиладиган жиноятларда иштирокчилик бўлиши мумкин эмас. Жиноятда иштирокчиликнинг муҳим белгиларидан бири икки ва ундан ортиқ шахснинг иштироки тўғрисидаги масала бу сон кўрсаткичидир. Бунда икки ва ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириткириб, ягона мақсадни кўзлаган ҳолда ҳаракатланиши зарурый белгидир. Бир неча шахснинг тасодифан бирлашиб қолиши ва жиноятни олдиндан келишмасдан содир этиши ёхуд бир неча шахс бир-биридан мустақил равишда бир мақсад йўлида ҳаракат қилиши каби ҳолатлар иштирокчиликни истисно этади.



А.С.Якубов тўғри таъкидлаганидек, жиноятда биргалиқда иштирок этиш қўйидагиларни билдиради: ҳар бир иштирокчининг қилмиши бошқа иштирокчилар қилмишини амалга ошириш учун зарурий шарт ҳисобланиб, улар бир-бирини тўлдирадилар; барча иштирокчиларнинг қилмишлари бажарувчи содир этаётган жиноят билан сабабий боғланишга эга бўлиши керак; юзага келган жиноий оқибат барча иштирокчилар учун умумий ва ягона ҳисобланади[6] .

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, жиноятни иштирокчиликда содир этилган деб топиш учун жиноятнинг ҳар бир иштирокчисининг ҳаракатлари, яъни ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ва бажарувчининг қилмишлари бир-бирига яқиндан кўмак беради ва бунинг оқибатида жиноятни содир этиш енгиллашади, айни вақтда ушбу қилмиш натижасида юзага келган жиноий оқибатни барча иштирокчилар истаган ва айнан унинг юзага келиши учун “астойдил” ҳаракат қилган бўлиши лозим. Одатда, иштирокчилар фаол ҳаракат қилишади. Аммо, шахс ундан талаб этиладиган ҳаракатларни содир этмаслик йўли билан, яъни ҳаракатсизлик билан жиноятнинг иштирокчисига айланиши мумкин. Яъни, олдиндан тил бириктирган ҳолда шахс ўзи қўриқлаши лозим бўлган жойни очиқ қолдиради ва ҳаракатсизлик йўли билан жиноят содир этилишига кўмаклашади[7].

Шахс иштирокчиликда содир этилган жиноятнинг субъекти бўлиши учун аниқ жиноят учун қонунда белгиланган ёшга етган бўлиши, ақли расо бўлмоғи, яъни ўз ҳаракатлари ва унинг ижтимоий оқибатини англаб етадиган бўлиши керак ва албатта Р.Кабулов ҳақли равища қайд этганидек, мазкур ҳолатда ҳам жиноят субъекти сифатида фақатгина жисмоний шахслар бўлиши мумкин[8]. Юқоридагиларни инобатга олиб, айтиш мумкинки, иштирокчилик учун жиноий жавобгарлик, жиноят содир этишда икки ва ундан ортиқ, ақли расо жиноят қонунида кўрсатилган маълум ёшга тўлган шахсларнинг биргалashiб ҳаракат қилиши натижасида вужудга келади. Жиноят содир қилишда катнашган икки шахснинг бири жавобгарлик ёшига етмаган ёки ақли норасо деб топилса, бу жиноят иштирокчиликда содир қилинган деб топилмайди. Бу ҳолатда жиноят субъекти бўла олмайдиган шахслар орқали жиноят содир қилинган ҳисобланади ва улар билан бирга бажарган, уларни жиноятга йўналтирган, қизиктирган ва жиноят содир этишларида ёрдам берган шахслар бевосита бажарувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортиладилар. Шу билан бирга айрим олимларнинг фикрича жиноятда қатнашган икки шахсдан бири жиноий жавобгарлик ёшига етмаган ёки ақли норасо бўлган тақдирда ҳам иштирокчилик мавжуд бўлиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган[7].

Аммо бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки қонун чиқарувчи камида иккита жиноятга субъект бўла оладиган шахсларнинг биргалashiб ҳаракат қилишлари иштирокчиликни ташкил этиши мумкинлигини таъкидлаб ўтган. Иштирокчиларнинг мақсад ва мотивлари одатда, бир-бирига мос келади, баъзида бу бир хил бўлмаслиги ҳам мумкин. Жиноятнинг мотив ва мақсадлари турли иштирокчиларда бошқа-бошқа бўлганида жиноий ҳаракатларини тўғри квалификация қила олиш муҳим ахамият касб этади. Жиноятнинг мотив ва мақсади жиноят таркибининг зарурий белгиси эканлиги ёки эмаслиги квалификацияга таъсир этади.



Агарда жиноят иштирокчилари бажарувчининг мақсади ва мотивини билишмаган бўлса, уларнинг ҳаракатлари ўз мақсад ва мотивлари учун квалификация килинади. Бундан ташқари, иштирокчилик ҳамма вақт ҳам фаол ҳаракат билан содир этилмайди, баъзида бу ҳаракатсизлик оқибатида ҳам содир этилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, иштирокчиликнинг турлари бажарилаётган функцияларнинг характеристига кўра бир-биридан фарқ қиласи. Қонун чиқарувчи бир жойнинг ўзида турли функцияларни бажарувчи иштирокчиларни жамлаб қўйган, бизнинг фикримизча уларнинг ҳар бирининг ҳаракатларига қонун чиқарувчи томонидан алоҳида баҳо берилиши тўғри бўлар эди. Чунки А.П.Козлов тўғри таъкидлаганидек, бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи эмас, ташкилотчи эса далолатчи ёки ёрдамчи эмас ва далолатчи ёрдамчи эмас, айнан шу жойда қонун аниқ ва тушунарли бўлади[8].

Жиноятни содир этиш ташаббусчиси масаласи илмий адабиётларда ва амалдаги қонунчиликда етарли даражада ишланмаган. Республикализ ҳуқуқшунослари бу масалани четлаб ўтишни афзал деб билишади. Бизнинг фикримизча, жиноят иштирокчилари қаторига бугунги кунда ташаббусчини ҳам қўшиш лозим. Бунинг асосий сабабларидан бири - бугунги ривожланиб бораётган жамиятда содир этилаётган жуда кўплаб жиноятларнинг ортида уларнинг буюртмачилари туришганлигини ёддан чиқармаслик керак. Ҳозирги амалдаги тажрибада жиноятнинг ташаббускори (буюртмачиси) иштирокчилар сафига ташкилотчи сифатида жалб қилинмоқда.

Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларда бажарувчи асосий шахслардан бири сифатида майдонга чиқади. Бажарувчи фақатгина у билан бирга ўз функционал ролини амалга оширадиган бошқа шахслар - ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар билан бирга ҳаракат қилгандагина мавжуд бўлади[9].

А.С.Якубов агарда жиноятнинг объектив томонини бир неча шахс биргаликда бажарса ҳамкор бажарувчилар ҳисобланишини кўрсатиб ўтади. Шу ўринда А.С.Якубов бажарувчилар қаторига жиноят таркибининг объектив томонини бевосита ўзи бажармаган аммо, бунда жиноят субъекти бўла олмайдиган шахслардан фойдаланган кишиларни ҳам киритади. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жиноят ташаббусчиси (буюртмачиси)ни иштирокчилар қаторига киритиш А.С.Якубов томонидан кўрсатилган шахсларни бевосита бажарувчи ёки ҳамкор бажарувчи сифатида эмас, балки, айнан буюртмачи сифатида жавобгарликка тортишга асос бўлар эди. Бугунги давр талабларидан келиб чиқсан ҳолда **Жиноят кодекси 28-моддаси 1-қисмини “Жиноятни бажарувчи билан бир қаторда буюртмачи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади,”** - деган таҳрирда, шу модда иккинчи қисмини **“Жиноят содир этилишига бевосита туртки берган ва жиноят иштирокчиларини тўплаган ҳамда уларни жиноят содир этилишидан манфаатдор бўлган шахс буюртмачи деб топилади,”** - деб белгилаш, ҳамда тегишинча 2,3,4,5-бандларини 3,4,5,6 -бандлар сифатида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Буюртмачи (жиноят ташаббусчиси) нинг фаолияти худа хавфли саналади. У янги янги жиноятларни содир этиш учун турли шахслардан, баъзида эса ўз қўл остидагилардан ҳам фойдаланиши мумкин. У ўзи уюштираётган жиноятнинг жамият учун хавфли эканлигини англайди, билади ва ўзи учун маъқул бўлган жиноий оқибат



келиб чиқишини ҳохлайди. Буюртмачи (жиноят ташаббусчиси) - аввало жиноятнинг ташкилотчиси ёки далолатчинин танлайди, улар фаолиятини моддий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Жиноят кодексининг 28-моддаси учинчи қисми ташкилотчани “жиноятга тайёргарлик қўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс” сифатида қўрсатиб ўтади.

Амалдаги қонунчилик жиноят ташкилотчисини жиноят содир этиш ташаббускори сифатида қарайди. Ташкилотчани қонунчилик иштирокчиларни уюстиради ва улар фаолиятига раҳбарлик қиласи, деб қўрсатиб ўтади.

Шу ўринда жиноят содир этиш ҳақидаги фикрнинг юзага келиши фақатгина ташкилотчининг ўзигагина тегишли эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Шу сабабли жиноятни содир этиш ғояси баъзи ҳолларда буюртмачига тегишли бўлишини ёдда тутишимиз керак.

Ташкилотчи Жиноят кодексининг 28-моддаси 3-қисмida қўрсатилган барча ҳаракатларни бажариши шарт эмас, шахс жиноят ташкилотчиси деб топилиши учун жиноятга тайёргарлик қўрилишига раҳбарлик қилишининг ўзи етарли, бунда у жиноятни содир этилишига бевосита раҳбарлик қилиши шарт эмас. Бунда асосий эътибор бошқа иштирокчиларнинг биргаликда жиноят содир этишга бўлган саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга бўлган ҳаракати эътиборга олинади. Баъзи ҳолларда ташкилотчи бошқа иштирокчиларни шахсан танимаслиги ва алоҳида жиноятлар содир этилишининг аниқ тафсилотларини билмаслиги ҳам мумкин.

Далолатчи жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахсdir. Далолатчи ўз фаолиятини оғдириб олиш, пул таклиф қилиш, қўрқитиш ва бошқа воситалардан фойдаланиб амалга ошириши мумкин. Далолатчи шахсига худди шундай муносабатни Россия Федерацияси, Тоҷикистон Республикаси Жиноят кодексларида учратиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида далолатчи фаолияти нималарда ифодаланиши мумкинлиги аниқ белгилаб қўйилмаган. Бизнинг фикримизча, **Жиноят кодекси 28-моддаси 4-бандини қуйидагича таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ: “Бошқа шахсни оғдириб олиш, қўрқитиш, алдаш ва бошқа йўллар билан жиноят содир этишга қизиқтирган шахс далолатчи деб топилади”**.

Далолатчи амалда жиноятнинг ақлий иштирокчиси саналади, негаки, у жиноятни содир этишда бевосита иштирок этмайди. Унинг асосий вазифаси жиноят бажарувчисини жиноятни содир этиш зарурлигига қизиқтириш. Бунда бажарувчини ақлий йўл билан, масалан алдаш, пул таклиф қилиш, қўрқитиш ва бошқа воситалардан фойдаланиб жиноятни содир этишга тарғиб этади.

Далолатчиликнинг моҳияти шундаки, у бажарувчини жиноятни содир этишига қизиқтириш мақсадида унинг онги ва эркига таъсир ўтказади. Бу таъсирнинг алоҳида хусусияти шундаки, у бажарувчи (жумладан, бошқа иштирокчилар)ни эркини издан чиқармайди, балки уларда шу ҳаракатни ихтиёрий танлаш руҳияти юзага келади. Далолат қилинаётган шахсларга нисбатан турли усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда, далолатчи уларни адаштиришни ҳоҳламайди, балки бошқа иштирокчиларда жиноят содир этишга нисбатан ишонч туйғуларини шакллантиради. Далолатчининг ҳаракатлари ҳар доим қасддан бўлади. У жалб қилинаётган шахснинг ҳаракатлари натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишини онгли равища акс этади.



Далолатчи ҳақида шуни айтиш лозимки, у бошқа шахсларни жиноят содир этишга ундейди, шу сабабли унинг ҳаракатлари бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатларидан хавфлироқ саналади, чунки у ҳам бошқа далолатчи(лар)ни жиноий хулқ-атворга чорлайди. Айнан шу йўл билан далолатчи ва бошқа иштирокчилар ўртасидаги функционал алоқа амалга ошади[10].

Маълумки, далолатчи бажарувчи эмас, шу сабабли жиноятни ўзи содир этишига эҳтиёж йўқ. Аммо, илмий-назарий адабиётларда далолатчининг ўзи жиноят содир этганида ҳам жиноятга унданган, ҳам жиноятни содир этган шахсни далолатчи деб топиш керакми ёки бажарувчими деган баҳсли масалага дуч келамиз. Бизни фикримизча, далолатчини ўзи жиноят содир этганида, уни фақатгина бажарувчи сифатида жавобгарликка тортиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излар ва воситалар ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади (ЎЗР ЖК 28-м. 5-қ.). Ёрдамчининг жиноятни бажарувчисидан фарқи шундаки, у жиноятнинг объектив томонини ўзи содир этмасдан, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноятни содир этиш жараёнида, ёхуд жиноят содир этиб бўлинганидан кейин, жиноят бажарувчисига жиноятни реал содир этилиши йўлида кўмаклашади.

Жиноятнинг содир этилишидаги ўзининг объектив роли бўйича ёрдамчи (баъзи истиснолар билан) бошқа иштирокчиларга қараганда камроқ хавф туғдирувчи шахсdir: жиноятни содир этиш ташабbusи унга тегишли бўлмайди, у бошқа шахсларнинг жиноий фаолиятига раҳбарлик қилмайди. Ёрдамчилик фаол ҳаракатлар билан содир этилади, баъзи махсус адабиётларда ёрдамчиликнинг ҳаракатсизликда ифодаланиши ҳақида ҳам гапириб ўтилади. Масалан, қоровул бошқа иштирокчилар билан олдиндан тил бириктириб, ўзига бириктирилган моддий бойликларни қўриқламайди.

Жиноят содир этилиши тугаллангунига қадар, унинг ҳар қандай босқичида ёрдамчилик юзага келиши мумкин. Жиноят содир этиш тугаллангандан кейинги ҳаракатлар содир этилган жиноят билан сабабий боғланишда бўлмаганлиги учун иштирокчилик деб топилиши мумкин эмас. Жиноят содир этилганидан кейинги ҳаракат, Жиноят кодексининг 241-моддаси 2-қисми билан квалификация қилиниши керак.

Жиноят содир этилишига объектив кўмаклашаётган шахс бажарувчининг жиноий ниятларини билмаса, ёрдамчилик мавжуд бўлмайди.

Ёрдамчи муайян жиноятни содир этишда Жиноят кодексининг 28-моддаси 5-қисмида кўрсатилган усууллар билан бажарувчига ёрдам берар экан, улар учун умумий бўлган жиноий натижанинг келиб чиқишини билади ёки содир бўлишини ҳоҳлайди.

Жиноятда иштирокчилик тушунчалик жиноят ҳуқуқининг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур ўрганишда муҳим ўрин тутади. Юқорида келтирилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, иштирокчилик фақат қасдан содир этиладиган жиноятларда учрайди ва икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг биргалиқдаги ҳаракатларини талаб қиласи. Иштирокчиларнинг ўзаро алоқаси, мақсад ва вазифалари



ўртасидаги уйғунлик уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириб, жиноятни амалга оширишни енгиллаштиради.

Муаллифлар томонидан жиноятда иштирокчилик тушунчасининг турли жиҳатлари, жумладан, иштирокчиларнинг вазифалари (бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи) ва уларнинг жиноятга қўшаётган ҳиссаси чуқур ёритилган. А.С.Якубов ва бошқа олимларнинг фикрлари жиноятда иштирок этган шахсларнинг ўрнини аниқлашда илмий асос бўлиб хизмат қиласди.

Жиноятда иштирокчилик фақат ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан англааб етган ва уларнинг содир бўлишини ҳоҳлаган шахсларнинг ҳаракатлари билан боғлиқ. Бу эса, иштирокчилар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг ҳаракатларини ҳуқуқий баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, иштирокчиларнинг ҳаракатлари жиноят кодексида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши лозим. Мақсад ва мотивларининг уйғунлиги ёки фарқлари иштирок этиш шаклига таъсир қиласди, бу эса жиноий ҳаракатларни тўғри квалификациялашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, жиноятда иштирокчилик жиноий жавобгарликни белгилашда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳозирги жамиятнинг глобал муаммолари жиноят ҳуқуқи фанидаги бу тушунчани янада чукурроқ таҳлил қилиш ва такомиллаштиришни талаб этади. Иштирокчилик тўғрисидаги қонунчиликни янада аниқлаштириш, жумладан, жиноят ташаббускори каби янги тушунчаларни қонунга киритиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларга жиноят ишларини кўриб чиқишида қонуний ва адолатли қарорлар қабул қилишда ёрдам беради. Бу эса, жиноятчиликка қарши курашишда самарадорликни оширишга ҳисса қўшади.

References:

1. Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для ВУЗов. - Ташкент: ТГЮИ, 2008. -С. 320.
2. Усмоналиев М.Жиноят ҳуқуқи .Умумий қисм.-Тошкент: Янги аср авлоди,2005.-273 б.
3. Ниёзова С.С. Ўзгалар мулкини иштирокчиликда талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари.Ю.ф.н. илм.дар.олиш учун дисс.-Тошкент:ТДЮИ,2006.-286.
4. Афиногенов С.В. Соучастие в преступлении (понятие, вид и форми).Автореф..дис.канд.юрид.наук.М.1991.с.16.
5. Мухторов Н. Жиноят қонунида айбнинг эҳтиётсизлик шакли муаммолари. Юрид.фан.илм.дар.олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент, Б.74-75.
6. Жиноят ҳуқуки. Дарслик.-Тошкент: Уз.Р.ИИВ Академияси. 2005 й. Б. 232.
7. Тельнов П.Ф.Ответственность за соучастие в преступлении.-М.,1974.-С.24; Муслимов А.И.Когда преступления всовершают два и более лица.-Баку,2004.-С.5-6.
8. Учение о соучастии по советскому уголовному праву. Киев. 1969. с.134
9. Musayeva, S. I. (2024). ADVANTAGES AND DISADVANTAGES OF INTERACTIVE METHODS INTRODUCING THE CLT (COMMUNICATIVE LANGUAGE TEACHING) APPROACH. World Scientific Research Journal, 32(1), 217-219.



10. Musayeva, S. I., & Mengliyeva, S. S. (2022). Kursantlarning madaniyatlararo rivojlantirish.
11. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига шарҳлар. Шарҳ, 1-том – Т.: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2024.
12. А.П.Козлов.Соучастие .СПб.Юридический центр.2001.c.128.